

БАЙРАМ МУБОРАК БЎЛСИН!

Инсон ва қонун

www.hudud24.uz

2022 йил 11 январь
сешанба
№ 01 (1309)

www.hudud24.uz
insonvaqonun@adliya.uz
fb.com/hudud24official/
t.me/hudud24official/

hudud24

Endi 24 soat siz bilan!

- ✓ Энг сўнги хабарлар
- ✓ Ҳуқуқий маълумотлар
- ✓ Таҳлилий мақолалар
- ✓ Мурожаатга жавоблар



ONLAYN MULOQOT Facebook ijtimoiy tarmog'idagi
"Xalq bilan muloqot/Диалог с народом" guruhida hamda
vazirlikning Youtubedagi youtube.com/c/adliya sahifasida
to'g'ridan-to'g'ri o'tmoqda

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги умрини адолатни ҳимоя қилишга
бағишлаган фахрий устозларни ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш
йўлида ўз ҳиссасини қўшиб келаётган
барча ходимларни

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ОРГАНЛАРИ ТАШКИЛ ТОПГАНЛИГИНИНГ

30 ЙИЛЛИГИ БИЛАН

САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ!

Ҳуқуқий демократик давлат ҳамда адолатли фуқаролик жамиятини қуриш,
инсон ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш йўлидаги шарафли
ва фидокорона хизматларингизда ҳамиша муваффақият ёр бўлсин!

АДЛИЯ:
ШОНЛИ 30 ЙИЛ

Улар бизни эътироф этишади



Клер Бейзи-Малаури хоним,
Хуқуқ орқали демократия учун Европа
Комиссияси (Венеция комиссияси)
президенти:

БИЗ ДОИМО ҲАМКОРМИЗ

— Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги органлари ташкил топганлигининг 30 йиллиги муносабати билан самимий қутловларимизни изҳор этаман!

Ушбу қутлуғ сана олдидан яна бир муҳим сана, яъни 2021 йил Ўзбекистон мустақиллигининг 30 йиллиги нишонланди. Мамлакатингиз томонидан йирик сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни ривожлантириш ва амалга ошириш ҳамда барқарор давлат институтларини қуриш борасида кўп ютуқларга эришилди.

Ўзбекистон Венеция комиссиясига аъзо давлат эмас, бироқ сўнгги йилларда биз ишонч ва ўзаро ҳурматга асосланган мукамал даражадаги ҳамкорликни ривожлантирдик. Ҳамкорликдаги ишимиз Ўзбекистонда конституциявий-ҳуқуқий базани модернизация қилиш жараёнида қонун устуворлиги тамойилларини мустаҳкамлаш ва тарғиб этишга қаратилди.

Адлия вазирлиги Венеция комиссиясининг Ўзбекистондаги энг муҳим стратегик ҳамкорларидан бири бўлиб қолмоқда. 2020-2023 йилларда Марказий Осиё қонун устуворлиги дастури доирасида Венеция комиссияси билан биргаликдаги фаолиятнинг бош мувофиқлаштирувчиси ҳисобланади. Шу муносабат билан Венеция комиссияси Адлия вазирлигидан дастурнинг якунига қадар амалга ошириш учун бир қатор таклифларни ўз ичига олган йўл харитасини қабул қилди ҳамда биз 2022 ва ундан кейинги йилларда ҳам муваффақиятли ҳамкорликни кутмоқдамиз.



Касивисванатхан ШАНМУГАН,
Сингапур Республикаси ички ишлар ва
ҳуқуқ вазири:

МУВАФФАҚИЯТЛАР ЁР БЎЛСИН!

— СИНГАПУР Ички ишлар ва ҳуқуқ вазирлиги номидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 30 йиллик юбилей муносабати билан самимий қутловларимни йўлламан.

30 йил мобайнида Адлия тизими мамлакатингиз ва халқингизга яхши хизмат қила олишни кўрсата билди.

Сўнгги йилларда вазирликларимиз орасида ўзаро ҳамкорликнинг чуқурлашганидан хурсандман.

Ўтган йили ҳуқуқий ҳамкорлик тўғрисида Меморандум имзоладик.

Келгуси йилларда сиз билан янада яқинроқ ишлаш мақсадидамиз.

Яна бир бор катта марраларга эришганингиз билан табриклаймиз.

Адлия вазирлигига давомий муваффақиятлар тилайман!



Аяз БАЕТОВ,
Қирғизистон Республикаси Адлия
вазири, юридик фанлар доктори:

АДОЛАТ ЙЎЛИДА ОМАД ТИЛАЙМАН

— Қардош Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимидаги барча ходимларни Қирғизистон Республикаси Адлия вазирлиги номидан шонли сана — адлия вазирлиги органлари ташкил топганлигининг 30 йиллиги билан табриклашга руҳсат бергайсиз.

Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳуқуқий демократик тамойиллар асосидаги тарихий дўстона ҳамкорлик йилдан-йилга ривожланмоқда. Биз ҳар доим ҳар томонлама ҳамкорликка тайёрмиз. Ҳамдўстлик мамлакатлари Адлия вазирларининг бўлиб ўтган 15-Кенгаш йиғилиши ҳам ҳар томонлама кўп қиррали ҳамкорлик қилишга, бир-биримиздан ўрганишга имкониятлар етарли эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва юрт фаровонлиги йўлида хизмат қилаётган тизим ходимларининг адолат йўлидаги машаққатли ишларига омад тилайман.



**Мирзо-Улуғбек
АБДУСАЛОМОВ,**
Ўзбекистон Республикаси
Конституциявий суди
раиси:

АДЛИЯ ЮКСАК ОБРЎГА ЭГА

— ҲОЗИРГИ замон адлияси билан бундан 30 йил аввалги Адлия ўртасида катта фарқ бор. Бугунги кунда Ўзбекистон адлия вазирлиги юксак даражага кўтарилди. Адлия — куч ишлатувчи ёки бировни жазоловчи ташкилот эмас, инсон манфаатларини ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилот сифатида катта обрў-этиборга эга. Биргина давлат хизматлари марказларининг ташкил этилиши туфайли қанча-қанча сарсонликка барҳам берилди. Коррупциясиз хизматни ташкил этиш, коррупцияни таг-томири билан ўзиб ташлаш-

га қаратилган ҳаракатлари барча ҳуқуқ-тартибот идораларига ўрнатилган бўладиган яхши йўналиш эканлигини алоҳида эътироф этишни истардим.

Адлия — адолат кўрғони, адолат устун сифатида ўзбек давлатчилигида муҳим ўрин тутати, қонунчилигимиз мустаҳкамлигини таъминловчи вазирлик сифатида ўз ўрни бор. Адлия вазирлиги жаҳон миқёсида ҳам катта обрў қозонган.

Адлия тизимида ишлайдиган барча-барчани ушбу шонли сана, қутлуғ байрам билан табриклайман!



Абдусамат ПОЛВОНЗОДА,
адлия фахрийси:

БУГУН АДЛИЯДА МАЛАКАЛИ, ЁШ КАДРЛАР ЖАМЛАНГАН

— Мустақиллик йилларида тадбиркорликка кенг йўл очилди. Лекин тадбиркорларнинг фаолиятига ноқонуний аралашуш, тўсқинлик қилиш ҳолатлари кўпайди. Адлия вазирлигига тадбиркорлар, фермерлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдек масъулиятли вазифа топширилди.

Биргина 2001 йилда 200 дан ортиқ жиноий жавобгарликка тортилган тадбиркорлар суд томонидан оқланди, ўн минглаб тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинди. Уларга етказилган моддий, маънавий зарарни унди-

риш масаласи Адлия вазирлиги аралашуви билан суд орқали айбдор назорат этувчи идора ходимларининг чўнтагидан ундирилди. Ҳафтада икки-уч маротаба ушбу суд жараёнлари телевидение орқали намойиш этилар эди. Ўша вақтларда “Текширишларни рўйхатга олиш китоби”ни жорий қилдик. Шундан кейин ноқонуний текширишлар ўн карра камайиб кетди.

Бугун Адлия вазирлигида ёш, билимли, юқори малакали кадрлар жамланган. Ҳар бир туманда адлия бўлимлари, давлат хизмат-

лари марказлари очилди. Ҳозирги кунда адлия вазирлиги давлат тизимида ўз ўрнига эга бўлди.

Янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уларнинг Конституцияга мослигини ўрганиш ҳозирги давр ҳуқуқшуносларга юксак малака, катта билим, қунт билан ишлашни талаб қилади.

Шундай масъулиятли вазифада ишлаётган барча ҳуқуқшуносларга келгуси фаолиятида муваффақият тилайман! Мустақил Ватанимиз адлия тизимининг шонли 30 йиллиги муборак бўлсин!



МУҲИМ ТАРИХИЙ САНАЛАР

1924 йил 26 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси Адлия халқ комиссарлиги тузилган.

1956 йил — янги Низомга биноан Адлия вазирлигида вазир, унинг ўринбосарлари ва бир нечта раҳбар ходимлардан иборат хайъат фаолият кўрсатган.

1959 йил 23 март — Ўзбекистон Олий Советининг 1-сонли қарори билан Адлия вазирлиги тугатилади.

1970 йил 1 октябрь — Адлия вазирлиги қайта ташкил этилади.

1992 йил 8 январь — Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги тарихий Фармони асосида Адлия вазирлиги ташкил этилган.

1992 йил 12 ноябрь — Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди ва Адлия вазирлигининг Низоми тасдиқланди.

1993 йил 17 июнь — Адлия вазирлигининг Иқтисодий ислохот бўйича қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва ҳуқуқий экспертиза қилиш бошқармаси таркибида Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўлими очилди.

1994 йил 24 январь — Ҳуқуқий сиёсатни мувофиқлаштириш ҳамда Ҳуқуқий тарғибот бўлимлари негизида Ҳуқуқий сиёсатни ва халқаро ҳуқуқий алоқаларни мувофиқлаштириш бошқармаси, Иқтисодий ислохот бўйича қонунчилик ва норматив ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва ҳуқуқий экспертиза қилиш бошқармаси иш бошлади.

1994 йил 22 март — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган хўжалик бирлашмалари (корпорациялар, концернлар, уюшмалар, иттифоқлар, акционерлик жамиятлари ва бошқалар), мулкчилик шаклидан қатъи назар, Адлия вазирлигида ва жойларда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигида, вилоят ҳокимликлари адлия бошқармаларида давлат рўйхатидан ўтишлари белгилаб қўйилди.

1994 йил 13 май — Халқаро-ҳуқуқий бошқарма тузилди.

1995 йил 27 апрель — Адлия вазирлигининг Иқтисодий ислохот бўйича қонунчилик ва норматив ҳужжатлар лойиҳаларини тайёр-

лаш ва ҳуқуқий экспертиза қилиш бошқармаси таркибида 3 та штат бирлиги миқдорда Тадбиркорлар ва хусусий мулк эгалари ҳуқуқларига риоя этиш бўйича қонунчиликнинг бажарилишини назорат қилиш бўлими ташкил этилди.

1995 йил 23 август — ҳуқуқий тарғибот тизимини янада ривожлантириш мақсадида “Ҳаёт ва қонун” журнали ҳамда “Инсон ва қонун” ҳуқуқий газетаси Давлат Матбуот кўмитаси томонидан рўйхатдан ўтказилди.

1997 йил 10 июль — Адлия вазирлиги тизимида фуқароларнинг қонунчилик бузилиши юзасидан ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш бошқармаси ташкил этилди.

1997 йил 9 октябрь — Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси ташкил этилиб, Адлия вазирлиги марказий аппаратининг алоҳида таркибий бўлими сифатида ажралиб чиқди.

1998 йил 24 февраль — Тошкент юридик техникуми негизида Тошкент юридик коллежи ташкил этилди ҳамда 2003 йил 27 августда Адлия вазирлиги тизимига киритилди.

1998 йил 24 апрель — Адлия вазирлиги марказий аппаратида Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш бошқармаси ташкил этилди.

1999 йил 12 февраль — Адлия вазирлиги Ишлар бошқармаси негизида Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси фаолият бошлади.

2000 йил 5 август — Адлия вазирлиги марказий аппаратида Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси тузилди.

2001 йил 22 сентябрь — Адлия вазирлиги ҳузуридаги Судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти сифатида қайта ташкил этилди.

2003 йил 2 май — Адлия вазирлигига хорижий инвесторларни ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлаш вазифаси юклатилди.

2003 йил 27 август — Адлия вазирлигининг янги Низоми тасдиқланди.

2003 йил 29 сентябрь — Иқтисодий ислохот бўйича қонунчилик ва норматив ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва ҳуқуқий экспертиза қилиш бошқармаси Иқтисодий қонунчилик бошқармасига, Ҳуқуқий сиёсатни мувофиқлаштириш ва ўқув муассасалари бошқармаси эса Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармасига айлантирилди.

2004 йил 24 февраль — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 112-ф-сонли фармойиши билан тасдиқланган Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан инсон ҳуқуқларига риоя этилишининг ҳолатини ўрганиш бўйича Идоралараро ишчи гуруҳи ташкил этилди ва Адлия вазири мазкур ишчи гуруҳининг раҳбари этиб белгиланди.

2005 йил 28 сентябрь — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) билан Адлия вазирлиги ўртасида “Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳимоя қилиш ва унга риоя этиш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги Меморандум имзоланди ва ушбу ҳужжат ҳамкорликда фаолият кўрсатиш учун замин яратди.

2005 йил 15 декабрь — Адлия вазирлиги ҳузурида Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш маркази ташкил этилди.

2008 йил 27 октябрь — Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолият самардорлигини ошириш, ушбу соҳада фаолият юритувчи идораларнинг ўзаро алоқаларини мувофиқлаштириш мақсадида Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ва Адлия вазирлиги ўртасида “Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги Келишув имзоланди.

2010 йил 1 январь — барча фойдаланувчилар Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (Lex.uz)дан текин фойдаланишни бошлади.

2011 йил 17 июнь — Адлия вазирлиги ҳузуридаги Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш маркази Адлия вазирлиги Қо-

нунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармасига айлантирилди ва унинг ҳудудий бўлимлари ташкил этилди. Кейинчалик Адлия вазирлиги Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари тугатилди.

2011 йил 23 август — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг янги Низоми тасдиқланди.

2015 йил 15 май — Адлия вазирлигига адлия органлари ходимларининг чегараланган миқдорини сақлаб қолган ҳолда, “бир дарча” маркалари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва услубий кўмак кўрсатиш вазифалари юклатилди.

2017 йил 12 декабрь — Адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматлари агентлиги фаолият бошлади.

2018 йил 13 апрель — Туманлар (шаҳарлар)да адлия бўлимлари ташкил этилди ҳамда Адлия вазирлигининг Шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари тугатилди.

Бундан ташқари, 2018 йилдан бошлаб:

- Ўзбекистон Республикаси адлия вазири давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолати тўғрисида ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига ахборот тақдим этиши;

- Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазири, ҳудудий адлия бошқармалари бошлиқлари ҳар ярим йил якуни бўйича тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига жойларда норма ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолати бўйича ахборот тақдим этиши;

- туман (шаҳар) адлия бўлимлари бошлиқлари ҳар чоракда тегишлича туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашларига туман (шаҳар) даражасидаги давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолати бўйича ахборот тақдим этиши белгиланди.

- 2018 йил 13 апрель — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

тўғрисидаги Низом:

- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимининг ташкилий тузилмаси;

- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги марказий аппарати тузилмаси;

- Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги тузилмаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларининг намунавий тузилмаси;

- туманлар (шаҳарлар) адлия бўлимларининг намунавий тузилмаси;

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижрочиларга етказилиши ҳамда улардаги норма ва қондаларнинг аҳолига тушунтирилиши схемаси ҳамда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш ва самардорлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар тасдиқланди.

- 2019 йил 9 январь — Адлия вазирлиги жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш соҳасида мувофиқлаштирувчи давлат органи этиб белгиланди. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси тасдиқланди.

- 2019 йил 8 февраль — Интеллектуал мулк агентлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимига ўтказилди.

- 2020 йил 19 май — 2020–2024 йилларда адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш концепцияси тасдиқланди.

Вазирликда Маъмурий тартиб-таомилларни такомиллаштириш ва мониторингини юритиш ҳамда Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни ривожлантириш бошқармалари ташкил этилди.

- 2020 йил 2 июнь — Адлия вазирлиги марказий аппарати тузилмасида Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бошқармаси ташкил этилди.

- 2021 йил 11 февраль — Адлия вазирлигига қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш юзасидан, шу жумладан, Ҳисоб палатаси билан биргаликда соҳалар, ҳудудлар ва идоралар кесимида манзилли ва тематик тахлилий ўрганишларни олиб бориш ва жойлардаги ҳолат мониторингини юритиш вазифаси юклатилди.

АДЛИЯ: ШОНЛИ 30 ЙИЛ

Адлиядан миннатдормиз!



ҲАМ УЙСИЗ, ҲАМ ПУЛСИЗ
ҚОЛГАНДИМ, АДЛИЯДАН
НАЖОТ ТОПДИМ...

ҲАЁТ фақат қувончлардан иборат эмас экан, унинг ташвишларига ҳам тез-тез дуч келаркан инсон. Менга 2020 йил 22 июнь куни уйимни давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ҳақида огоҳнома берилди. Шундан кейин уйимни “Нукус баҳолаш ва консалтинг” масъулияти чекланган жамияти 252 миллион 762 минг 685 сўмга баҳолади.

2020 йил 15 сентябрь куни Нукус шаҳар ҳокимининг ер майдонларини шаҳар ер фондида қайтариб олиш ҳақидаги қарори қабул қилинди. Лекин қонунда кўрсатилган бўлса ҳам, менга

ҳеч қандай компенсация пули берилмай, уйимни бузиб ташлашди.

На уйим бор, на пулим... дегандек. Бир неча юқори ташкилотларга мурожаат қилиб, бормаган эшигим қолмади. Аммо барча эшикларни “Сенга пул йўқ!” деб юзимга ёпишди.

Шундан сўнг Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигига мурожаат қилдим. Адлиянинг тажрибали ходимлари мурожаатимни диққат билан эшитиб, менга қонун ҳужжатларини батафсил тушунтириб беришди. Шунда компенсация пули олишга умид пайдо бўлди. Вазирлик

менинг манфаатимни кўзлаб судга даъво аризаси киритди. Суд томонидан Нукус шаҳар ҳокимлигининг уйимни буздиришдаги ҳаракатларини ноқонуний деб топиш ва бузилган уйим учун компенсация пулини ундириш ҳақида қарор чиқарилди. Компенсация пули тўлиқ тўлаб берилди.

Адлия даъво аризасини киритгани учун судга давлат божи ҳам тўламадим. Мушкуллимни осон қилгани учун адлия ходимларидан бир умр миннатдорман.

Мурат АТАХАНОВ,
Қорақалпоғистон
Республикаси

БОР БЎЛИНГ, ЯХШИ ОДАМЛАР!



ТАДБИРКОРМАН. Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳи ҳудудида ўз маблағимга дўкон сотиб олиб, кўпчилик қатори халққа хизмат қилаётгандим. 2017 йил ноябрь ойида қутилмаганда Когон туман ҳокимлигидан савдо дўконларимизни давлат эҳтиёжи учун бузиш тўғрисида огоҳлантириш хати олдик. Ҳукумат қарорини бажаришимиз керак экан деб, анча-мунча харажат қилиб дўконимизни бузишга мажбур бўлдик. Бизга бузилган дўконимиз ўрнига на бошқа жой ва на компенсация пули тўлаб берилди. Кўчаларда савдо қилиб, анча сарсон бўлдик. Ҳам моддий, ҳам маънавий зарар кўрганамиз ҳокимликдагиларни заррача ташвишга солмади.

Бу муаммо бир неча йил чўзилди. Адлия идоралари барчага қонуний ёрдам бераётганини ўқиб, эшитиб, 2021 йилда Когон туман адлия бўлимига мурожаат қилдик. Хайрият, дардимизни эшитадиган ташкилот бор экан. Зиёратгоҳ ҳудудида фаолият юритаётган менга ўхшаган йигирмадан ортиқ тадбиркорнинг муаммоси адлия ёрдами билан ҳал бўлди. Ҳам дўкон қуриш учун жой, ҳам бузилган савдо дўконларимиз учун компенсация пули ундириб берилди.

Юртимизда фуқароларга беминнат хизмат кўрсатаётган шундай идора борлигидан фахрланасан арзийди.

Дилрабо ТОШЕВА,
Когон тумани

БИЗ — 22 нафар ходим Андижон шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими ташкил этилгандан буён ишлаб келаётгандик. Аммо салкам 3 йил мобайнида, яъни 2019-2020 йиллар ва 2021 йилнинг 1 октябригача озиқ-овқат, йўл кира харажатлари, моддий ёрдам ва мукофот пулларимиз тўлаб берилмади.

Шундан кейин биз бу масалада Андижон шаҳар адлия бўлимига мурожаат қилдик. Бўлим ходимлари эса мурожаатимизни ўрганиб чиқиб, бу ҳолат амалдаги қонунлар ва қонуности ҳужжатлари талабларига зидлигини аниқлашди. Бинобарин, адлия бўлими масъуллари томонидан бизнинг манфаатимизни кўзлаб, фуқаролик ишлари бў-

йича Андижон туманлараро судига аризалар киритилди. Натижада суд буйруқларига асосан, бизга жами 1 миллиард 16 миллион 302 минг сўм миқдоридagi моддий рағбатлантириш пулларимиз ундириб берилди.

Албатта, биз бундан беҳад қувондик. Оилаларимиздаги хурсандчиликни айтмайсизми. Шу боис шаҳар адлия бўлимига ўзимизнинг чексиз миннатдорчилигимизни билдирамыз. Бўлим ходимларининг келгуси ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

Билолиддин БЎТАЕВ,
Андижон шаҳар ветеринария ва
чорвачиликни ривожлантириш
бўлими лаборатория мудир

БИР МИЛЛИАРД СЎМЛИК ҲАҚИМИЗНИ УНДИРИБ БЕРИШДИ



БЕМИННАТ ХИЗМАТ УЧУН ТАШАККУР!



МАМЛАКАТИМИЗДА фермерлик ҳаракатига кенг йўл очилгани боис анча йиллардан бери фермерлик билан шуғулланаман. Фермерлик ортидан дастурхонимиз тўкин-сочин, оиламиз фаровон. Куну тун оиламиз билан меҳнат қиламиз, элимизга керакли маҳсулотларни, пахта, ғаллани етиштириб беришга ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Аммо фермерликнинг ўзига яраша машаққатлари ҳам бор. 2020 йилда ерларимизни шудгор қилиш ва бошқа агротехник тадбирларни амалга ошириш учун Мирзачўл туман “Агротехсервис МТП” масъулияти чекланган жамиятига шартнома асосида 28 миллион 563 минг 300 сўм маблағ ўтказилган эди, бироқ 2 йилдан буён на бирор иш бажарилди, на пулимизни қайтариб ола олдик.

Қонуний ҳақимизни талаб қилиб икки йил сарсон бўлдик. Аммо бирор натижа чиқмади. Шундан сўнг пулимизни ундиришда амалий ёрдам сўраб, Мирзачўл туман адлия бўлимига мурожаат қилдик. Адлия ходимларининг саъй-ҳаракати билан фермер хўжалигимиз манфаатида Дустлик туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси киритилди. Суднинг ҳал қилув қарори қабул қилиниб, 28 миллион 563 минг 300 сўм пулимиз ундириб берилди.

Бундай беминнат хизматлари учун адлия бўлими ходимларига ҳар қанча ташаккур айтсак ҳам кам.

Ҳабибулло ЭЛНАЗАРОВ,
Мирзачўл туманидаги “Бахт тимсоли”
фермер хўжалиги раиси

АДЛИЯ МЕНИНГ ХАЛОСКОРИМ!



ИККИ нафар фарзанднинг онасиман. Тақдир тақозоси билан турмуш ўртоғимдан эрта жудо бўлдим. Ҳали мактаб ёшига етмаган болаларимни боқиш ёлғиз ўзимнинг зиммамда қолди. Бирор мутахассисликка эга бўлмаганим учун, иш тополмай анча қийналдим. Ота-онамникида яшай десам, уларнинг ҳам шароити ўзига яраша.

Турли ташкилотларга бир неча бор қилган мурожаатла-

рим фақат сарсонлик билан яқун топди. Ҳамма нарсдан умидимни узиб, тушкунликка тушдим. Адлия органлари томонидан ўтказилган сайёр қабул эса ҳаётимда катта бурилиш ясади.

Аваллига менга адлия ҳам ёрдам бера олмаса керак, деб ўйлагандим. Аммо ўз касбига садоқатли, тажрибали ҳуқуқшунослар барака топсин, улар менга ёпилган эшикларни очиб берди.

Қонунни бузиб, мени сарсон қилган айрим ташкилотларни тартибга чақириб қўйди. Дастлаб мени “Аёллар дафтари”га киритишди, кейин ишга жойлашимизга ёрдам беришди. Ижара тўловларига кўмак беришди. “Навойи меҳр” хайрия жамғармаси билан бирга ҳомийлик маблағлари эвазига, товуқ, майда шохли мол олишда, болаларимни боғчага жойлаштиришда адлия ходимла-

ри доимо ёнимда туришди.

Яратганга шуқур, ҳаётимни анча тиклаб олдим. Ҳозир уй ёки ер-жой олишга ҳаракат қилиб юрибман. Адлиядагилар бу масалада ҳам менга мададкор. Уларга такрор-такрор ташаккур айтаман. Адлия менинг халоскорим. Ўзим учун адлиянинг яна битта номини яхшилик деб қўйдим.

Мадина ЙЎЛДОШЕВА,
Навбахор тумани

Адлиядан миннатдормиз!

АДЛИЯ:
ШОНЛИ 30 ЙИЛ



АДЛИЯ БЎЛИМИГА РАҲМАТ

1985 йил октябрь ойидан буён Поп тумани “Фурумсарой” алоқа бўлимида электромонтёр вазифасида ишлаб келаётганим. Аммо 2020 йил 23 январь куни бошимга жиддий ташвиш тушди.

Яъни, шу куни мени туманимизнинг “Тинчлик” маҳалласи, “Дилкушо” кўчасидаги алоқа тармоқларини таъмирлашга юборишди. Шунда темир-бетон таянчдан йиқилиб, майибландим. Бу ҳақда корхонамиз томонидан ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходиса ва саломатликка бошқа хил зарар етказилиши тўғрисида

Н-1 далолатнома расмийлаштирилди.

Шундан сўнг шифохонада даволандим. 2020 йил 8 июнда эса Поп туманлараро тиббий меҳнат эксперт комиссияси томонидан менга нисбатан II гуруҳ ногиронлиги белгиланди. Қолаверса, меҳнатга лаёқатимни 60 фоиз йўқотган деб топишди. Лекин хизмат вақтида майибланганлигим туфайли менга товон пули тўлаб берилмади. Шундан сўнг Поп туман адлия бўлимига мурожаат қилиб, амалий ёрдам сўрадим. Бўлим ходимлари мурожаатимни ўрганиб,

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси Наманган филиалига тақдимнома киритишди. Натижада Янги йил байрами арафасида менга 30 миллион 963 минг 664 сўм миқдорда товон пули тўлаб берилди.

Албатта, мен бунинг учун Поп туман адлия бўлиmidан миннатдорман. Уларнинг юртдошларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдек эзгу ишларида муваффақиятлар тилайман.

Азимжон ҚОБИЛОВ,
Поп тумани
“Фурумсарой” МФЙ

КОМПЕНСАЦИЯ ПУЛИНИ ОЛИБ БЕРИШДИ



Кўпдан буён мени бир муаммо қийнаб келаётган эди. Гап шундаки, 1986–2021 йиллар давомида Боёвут туманидаги 31-умумтаълим мактабида хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимида фаолият юритиб келдим. Туман халқ таълими бўлими мудирининг 2021 йил 30 июлдаги тегишли буйруғига асосан мен билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинди. Вазифамни бажара оладиган ходим йўқлиги сабабли ишлаган ўттиз олти йилдан ортиқ давр мобайнида атиги 3 марта меҳнат таътилига чиққанман холос.

Фойдаланилмай қолган таътиллар учун компенсация тўлаб беришни сўраб, бир неча бор туман халқ таълими бўлимига мурожаат қилишимга қарамай, турли баҳоналар билан компенсация тўлови пайсалга солинди.

Шундан сўнг Боёвут туман адлия бўлимига мурожаат қилишга мажбур бўлдим. Адлия бўлимидагилар муаммони қонуний ўрганиб, туман халқ таълими бўлими мудирини номига тақдимнома киритгач, 34 йиллик фойдаланилмаган таътиллар учун менга 38 миллион 952 минг сўм миқдорда компенсация пули ундириб берилди. Инсон кадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш йўлида бор билим ва тажрибасини аямаётган адлия ходимларидан чексиз миннатдорман.

Қодиркул УСМОНОВ,
Боёвут тумани

ҲАЁТДА энг оғири оиланг, бола-чақанг билан бошпанасиз қолиш эканлигини бу савдо бошимизга тушгандан кейин билдик. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2017 йил 24 ноябрдаги қарорига асосан Шайхонтоҳур тумани “Кохота” кўчасидаги уч ака-ука оиласи билан яшайдиган уйимиз давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилди ҳамда 2018 йилда бузиб ташланди.

Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги эса бузилган уй-жойимиз эвазига компенсация пули беришни хаёлига ҳам келтирмади. Биримиз оиламиз билан ушбу маҳалла ҳудудида жойлашган масжид биносида яшашга ҳам мажбур бўлдик, бошқа уйларида ижарада турдик.

Тошкент шаҳар ҳокими раислигида ўтказилган сайёр қабул баённомасида давлат ва жамоат эҳтиёжи учун олиб қўйилган уйимиз ўрнига бизга уй-жой ажратиш, Шайхонтоҳур туман ҳокими ва Муниципал активларни бошқариш

маркази раҳбарига 1 ойлик муддатда уй-жой ажратиш чораларини кўриш вазифаси юклатилган эди. Афсуски, барчаси қоғозда қолиб кетди.

Яхшиямки, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бор экан. Адлия ёрдами билан бузилган ҳақ-ҳуқуқларимиз тикланди. Тошкент шаҳридаги айрим мансабдор шахсларнинг ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ҳамда биз ака-ука Исҳақовларга уй-жой ажратиш мажбуриятини юклаш тўғрисида Тошкент туманлараро маъмурий судига киритилган шикоят аризаси суднинг 2021 йил 20 декабрдаги қарорига асосан қаноатлантирилди. Янги йилни яхши кайфият билан қутиб олдик. Уй-жойли бўлдик. Бунинг учун адлия ходимларига минг раҳмат.

**Раҳматулла, Ҳикматилла,
Равшан ИСҲАҚОВлар,
Шайхонтоҳур туманида яшовчи
фуқаролар**

УЙИМИЗ БУЗИЛИБ, МАСЖИД БИНОСИДА ҲАМ ЯШАДИК...



АДЛИЯ ХОДИМЛАРИ БЎЛМАГАНДА НАФАҚАМНИ ОЛОЛМАСДИМ



СУРХОНДАРЁ вилоятининг Олтинсой тумани “Соҳибкор” маҳалласида яшайман. Мен туғилган вақтлар Иккинчи Жаҳон уруши йиллари бўлган. 1944 йилда Денов туманида туғилганман. Ҳозирги кунда бу жойлар Олтинсой туманига қарашли. Уруш йиллари бўлгани учун ўша пайтларда ҳаёт бугунгидек тинч эмасди. Кейинчалик ҳам эътиборсизлик сабаб менга туғилганлик ҳақида гувоҳнома берилмаган. Шу керакли ҳужжатим йўқлиги учун менга фуқаролик паспорти ҳам расмийлаштириб берилмади.

Бунинг устига кексайиб, нафақа ёшига етганимда яна бир муаммо пайдо бўлди. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Олтинсой туман бўлими томонидан туғилганлик ҳақида гувоҳнома, паспортим йўқлиги учун ёшга доир пенсия берилмаслиги айтилди.

Пенсия ёшига етганимда туғилганлик ҳақида гувоҳнома беришни сўраб Олтинсой туман ФХДЁ бўлимига мурожаат қилдим. Лекин ФХДЁ бўлими ходимлари томонидан менинг туғилганлигим ҳеч қаерда қайд этилмаганлиги учун туғилганлик гувоҳномасини расмийлаштириш имкони йўқлигини айтишди. Вилоят ФХДЁ архивида ҳам туғилганлигим қайд этилмаганлиги ҳақида маълумот аниқланмади.

Нима қилишим керак?! Яхшиларнинг маслаҳати билан Фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро судига бордим. Лекин улар шахсимни тасдиқловчи ҳужжатларим йўқлиги учун ёрдам беришолмади. Туғилганлик фактини белгилаш ҳақидаги аризамни қабул қила олмасликларини айтишди.

Шундан кейин Олтинсой туман адлия бўлимига бордим. Умридан барака топсин, адлия ходимлари менга туғилганлик ҳақида гувоҳнома олишда қонуний ёрдам беришди. Қонун, адолат бор экан, ўз ҳуқуқимни билмай, шунча сарсон бўлибман!

Олтинсой туман адлия бўлими ходимлари мурожаатимни ерда қолдиришма-

ди. Ҳамма ишимни қонуний ҳал қилиб беришди. Олтинсой туман адлия бўлими бошлиғи Ж.Пардаев мени фойдамни кўзлаб қонуний йўл билан фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро судига туғилганлик фактини белгилаш бўйича ариза киритди. Суд аризани қаноатлантириб берди.

Кейинги воқеалар тезлашиб кетди. Менга Олтинсой туман ФХДЁ бўлиmidан туғилганлик тўғрисида гувоҳнома, Олтинсой туман Ички ишлар бўлими Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлиmidан фуқаролик паспорти расмийлаштириб берилди. Ўша пайтларда боладай қувондим. Шунча сарсонгарчилигим эсдан чиқди. Мени энг хурсанд қилгани — Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман бўлими томонидан менга қаролик нафақаси тайинланди. Умримда биринчи марта 2021 йил 24 октябрда бўлиб ўтган Президент сайловида қатнашдим.

Адлия ходимлари бўлмаганда нафақамни ололмасдим. Менга ёрдам берган адолатли, қонунни тушунган юристлар умридан барака топсин. Шундай ҳалол ишлаётган, халқнинг муаммосини қонуний ҳал қилиб, одамларга беминнат ёрдам бераётган адлия ходимларига минг раҳмат.

Карим ҚЎШОҚОВ,
Олтинсой тумани “Соҳибкор”
маҳалласи

АДЛИЯ: ШОНЛИ 30 ЙИЛ

Адлиядан миннатдормиз!



МУРОЖААТ ҚИЛМАГАН ИДОРАМ ҚОЛМАГАНДИ

— БОШЛАНҒИЧ синфларга йигирма йилдан буён дарс ўтиб келаман. Уч нафар фарзандим бор. Оилам билан ижарада яшаймиз. Олти ойдан буён адолатсизликка учраб, ҳам ишимдан, ҳам соғлиғимдан, ҳам ўқитувчи деган мўътабар обрўимдан айрилиб, ҳақиқат қарор топишини сўраб мурожаат қилмаган идорам қолмаганди. Қай бир идорага дардимни айтиб бормаи, мутасаддилар кабинетидан чиқмаган ҳолда муаммони ўрганиб, менинг ноҳақ эканлигимни билдириб мурожаатларимга жавоб қайтаришди. Умидсизликка тушдим. Аммо ҳақиқатнинг юзага чиқишига жуда ишондим...

Ижтимоий тармоқларни кузатиб бораман. Бир куни “Адлия менга ёрдам берди” номли мақолага кўзим тушди. Унда ноҳақ ишдан бўшатишнинг ходим ишга тикланганлиги баён қилинганди. Юрагим тубидаги умид уйғонди. Шу тариқа

Адлия вазирлигига мурожаат қилдим. Мурожаатим Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан ўрганиб чиқилди. Ишонасизми, масъуллар аввал муаммони тинглашди, кейин эса воқеани шахсан ўзим билан ўрганишга астойдил киришишди.

Мен Тошкент вилояти халқ таълими бошқармасининг ҳайъат йиғилиши қарори ва Янгийўл шаҳридаги 6-мактаб директорининг буйруғига асосан ишдан бўшатишда мактабимиз маъмурияти дарсларни ўтмасдан қолдирганим, ўтилган дарсларни синф журнаliga ўзим ёзмаганлигим, тўғрақ дарсларини ўтмаганлигим ва хулқ-атворимдаги камчиликлар сабаб деб келтирилди.

Вилоят адлия бошқармаси ходимлари муаммонинг келиб чиқиш сабабларини, бор ҳақиқатни ўрганишди. Хуллас, бошқарма ходимлари томонидан фуқаролик

ишлари бўйича Зангиота туманлараро судига менинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларимни тиклаш юзасидан даъво ариза киритилди. Суднинг ҳал қилув қарорига кўра мени ишдан ноқонуний равишда бўшатиш юзасидан қабул қилинган қарор ва мактаб директори буйруғи бекор қилиниб, ишга тикландим. Шу билан бирга иш берувчи томонидан менга маънавий зарар ундириш белгиланди.

Адолат борлигига ишондим. Менга шу ишончни бера олган ҳалол ва виждонли адлия ходимларига ўз миннатдорчилигимни билдираман. Қани эди ҳамма давлат идораларида ҳам инсонлар тақдирига шу тарзда қаралса. Муаммо моҳияти ходимнинг хонасида эмас, жойида синчиклаб ўрганилса, мен каби одамларнинг ҳақиқатга бўлган ишончи ортарди.

Зубайда АБДУРАҲМОнова,
Янгийўл шаҳри



Бепул тиббий текширувдан ўтиш ҳуқуқим тикланди

ҚАРШИ шаҳар мактабгача таълим бўлими тасарруфидидаги 30-давлат мактабгача таълим муассасасида тарбиячи вазифасида ишлайман. 2021 йил 30 апрель куни бепул тиббий текширувдан ўтказилмаётганлигимдан норозилигим тўғрисидаги мурожаатимни Қашқадарё вилоят адлия бошқармасига юбордим.

Адлия бошқармаси томонидан Қарши шаҳар тиббиёт бирлашмаси, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Қашқадарё вилоят Қарши шаҳар бўлимларига мени бепул тиббий текширувдан ўтказиш тўғрисида алоқа хати юборилди. Санитария-эпидемиологик осойишта-

лик ва жамоат саломатлиги хизматининг Қарши шаҳар бўлими бепул тиббий текширувдан ўтказишни рад этди.

Адлия бошқармаси томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391-сон қарори билан тасдиқланган Умумий типдаги давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари тўғрисидаги низомнинг 50-бандида давлат мактабгача таълим ташкилотининг штатдаги ходимларини соғлиқни сақлаш муассасаларида белгиланган тартибда бепул тиббий текширувдан ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тушунтирилди.

Мазкур ҳолат бўйича манфаатимни кўзлаб Қар-

ши туманлараро маъмурий судига жавобгар Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Қарши шаҳар бўлимига нисбатан мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатини ғайриқонуний деб топиб, тиббий текширувдан бепул ўтказиш мажбуриятини юклаш тўғрисида шикоят ариза киритилди.

Ушбу шикоят аризани дастлаб Қарши туманлараро маъмурий суди томонидан қаноатлантириш рад этилди.

Адлия бошқармаси томонидан Қарши туманлараро маъмурий судининг мазкур иш бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарори устидан Қашқадарё вилоят маъмурий судига апелляция шикояти киритилди.

Апелляция инстанцияси томонидан ушбу апелляция шикояти кўриб чиқилди.

17 август куни Қарши туманлараро маъмурий судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ҳақида қарор чиқарилди. Мазкур қарорда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Қашқадарё вилоят Қарши шаҳар бўлими томонидан бепул тиббий текширувдан ўтказиш мажбурияти юклатилган ва апелляция шикояти қаноатлантирилган.

Муаммони ҳал қилишда менга беминнат ёрдам берган Қашқадарё вилоят адлия бошқармасидан миннатдорман.

Махбуба ҚАЗОҚОВА,
Қарши шаҳри

МАРКАЗ ХОДИМЛАРИДАН МАМНУНМИЗ



ПРЕЗИДЕНТИМИЗ Фармонига биноан юридик хизмат кўрсатиш марказларининг ташкил этилгани биз ва биз сингари ташкилотлар учун айна муддао бўлди. Негаки, қайси соҳа бўлишидан қатъи назар, ўз фаолиятида албатта, ҳуқуқшуносларга, уларнинг амалий кўмагига эҳтиёж сезади.

Яқунланган йилнинг сўнгги чорагида Фарғона шаҳар юридик хизмат кўрсатиш маркази ходимларининг бизга — Фарғона давлат ўрмон хўжалигига кўрсатган амалий ёрдамидан кейин мен шундай хулосага келдим. 2021 йилнинг октябрь ойида ўз фаолиятини бошлаган марказ дарҳол бизга амалий ҳуқуқий ёрдам берди.

Бундан ташқари, улар ҳам ташкилотимизни, ҳам 16 нафар ходимимизни штатлар қисқартирилиши ҳолатидан ижобий йўл билан олиб чиқишди.

Шу ўринда марказ ходимларининг Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўрилаётган ишимиз юзасидан кўрсатган амалий-ҳуқуқий ёрдамни алоҳида тилга олмасак бўлмайди. Натижада биз анчагина ортиқча, асоссиз тўловдан, аниқроғи, қарздан халос бўлдик. Бинобарин, бутун жамоамиз номидан аввало мазкур эзгу ишларнинг бош ташаббускори бўлган Юртбошимизга, қолаверса, Фарғона шаҳар юридик хизмат маркази ходимларига чексиз миннатдорлик билдираимиз. Уларнинг қонун устуворлигини таъминлашдек машаққатли ва шарафли ишларида омад тилаймиз.

Шухратжон АБДУСАЛОМОВ,
Фарғона давлат ўрмон хўжалиги директори

Адлия тарихи

АДЛИЯ:
ШОНЛИ 30 ЙИЛ

АДЛИЯ — арабча “адл” — **адолат**, тўғрилиқ, ҳаққонийлик, одиллик, холислиқ каби маъноларни англатади. Демак, адлия идоралари ташкил этилишидан асосий мақсад — адолатни таъминлашдир.

Тарихдан маълумки, исломий ўлкаларда адолатни таъминлаш асосан қозилиқ лавозими зиммасига юклатилган. Қозилар ислом қонунчилиги (фиқҳ) асосида фаолият юритган. XX аср боши — Ўзбекистон Республикасига асос солингунга қадар — Туркистонда ҳам адолат ва қонунийлик масалалари асосан қозилиқ тизими томонидан ҳал этилган.

1924 йил 26 ноябрда Инқилобий қўмитанинг қарори билан Туркистон автоном республикаси Адлия халқ комиссарлиги негизда Ўзбекистон Республикаси Адлия халқ комиссарлиги ташкил этилган. Унинг вазифаси: аввалги Бухоро амирлиги, Хоразм ва Қўқон хонлиги ҳудудида адлия идораларининг фаолиятини тартибга солиш ва мувофиқлаштириш эди.

1925 йил 6 майда Адлия халқ комиссарлиги ҳақидаги Низом тасдиқланиб, унинг таркиби ҳамда ваколатлари белгиланди. Низомга кўра адлия идораларига:

- ➔ Адлия халқ комиссарлиги ва унинг тизимидаги идораларга умумий раҳбарлик;
- ➔ барча суд муассасалари, прокуратура ва тергов идоралари, нотариат ҳамда суд ижрочилари фаолиятини ташкил этиш ва йўналтириш;
- ➔ суд ходимларини лавозимларга тасдиқлаш;
- ➔ ер комиссиялари ва суд ваколатига эга бўлган бошқа ташкилотларнинг фаолиятини кузатиш;
- ➔ ҳимоячилар ҳайъатларининг фаолиятини кузатиш ва аҳолига юридик хизматни ташкил этиш;
- ➔ қонунчилик юзасидан таклифларни бирламчи кўриб чиқиш, қонунчиликка амал қилинишини назорат қилиш;
- ➔ амалдаги қонунларни шарҳлаш, қонун ҳужжатлари тўпламларини нашр этиш каби вазифалар юклатилган.
- ➔ 30-йилларнинг бошларида Прокуратура ва Олий суд ҳам Адлия халқ комиссарлиги таркибига кирган.
- ➔ 1936 йил барча прокуратура-тергов идоралари Адлия халқ комиссарлиги таркибидан чиқарилди. Адлия халқ комиссарлиги зиммасига суд идоралари фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш вазифаси юклатилган.

ЭЪЛОНЛАР

“Нотариат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 152-моддаси ҳамда Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясининг 2021 йил 24 декабрдаги 14-сон йиғилиш қарорига асосан Косон туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Сайфиёв Хамза Ubaydullaevichga (лицензия KS 0037, 2020 йил 27 апрель) вилоят адлия бошқармаси томонидан берилган хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши 1 ой муддатга, яъни 2021 йилнинг 25 декабрь кунидан 2022 йилнинг 25 январь кунига қадар тўхтатилди.

Бухоро вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 14 декабрдаги буйруғига асосан “ZAKONNAYA I REALNAYA ZASHITA” адвокатлик бюроси адвокати Kobilov Nodir Murtazoevichning адвокат мақоми тикланиб, унинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси қайта расмийлаштирилганлиги муносабати билан “ZAKONNAYA I REALNAYA ZASHITA” адвокатлик бюроси адвокати эканлигини тасдиқловчи 208-сонли янги адвокатлик гувоҳномаси (лицензия 14.12.2021, ВН №000209, адвокатлик гувоҳномаси №208, 14.12.2021 й.) берилди.

Бухоро туманлараро маъмурий судининг 2021 йил 18 ноябрдаги ҳал қилув қарорига асосан Бухоро вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 27 декабрдаги буйруғига асосан “Jasmina Adolati” адвокатлик бюроси адвокати Худойқулов Jamol Yuldashevichning Бухоро вилоят адлия бошқармаси томонидан 2018 йил 25 декабрда берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи ВН № 000079-сонли лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми ҳамда 25.12.2018 йилда берилган 079-сонли адвокатлик гувоҳномасининг (лицензия 25.12.2018, ВН №000079, адвокатлик гувоҳномаси №079, 25.12.2018 й.) амал қилиши тугатилди.

Бухоро вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 14 декабрдаги буйруғига асосан “Adolat manzili” адвокатлик фирмаси адвокати Tolibov G'aybullo Ibotovichning оғир касаллиги сабабли — соғайгунча (бирок кўпи билан бир йилга) адвокат мақоми (адвокатлик гувоҳномаси №024, 25.12.2021 й.) тўхтатилди.

Наманган вилоят адлия бошқармаси томонидан адвокат Salomov Shuxrat Mutalievichga Наманган вилоят адлия бошқармаси томонидан 2018 йил 26 декабрда берилган NA 000153-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми вафот этганлиги муносабати билан тугатилди.

Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази жамоаси марказнинг илмий-тадқиқот бўлими мутахассиси Шавкат Ҳақназаровга ўғли **Лазиз ҲАҚНАЗАРОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси жамоаси бошқарманинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бош маслаҳатчиси Шерзод Шариповга онаси **Ёқутхон ШАРИПОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

АДЛИЯ: ШОНЛИ 30 ЙИЛ

Адлия мадҳи



Кўчқор НОРҚОБИЛ

Адлия ифтихори

Ҳар инсоннинг ҳуқуқи бор, эрки бор,
Шу эрк ичра келажаги, кўрки бор.
Одилликни баланд тутган Ватанда
Халқ шодлиги, байрам, ўйин-кулгу бор.

Сен миллатнинг бахти бўлгин, Адолат,
Шараф-шони, тахти бўлгин, Адолат!

Ҳар нарсдан Инсон қадрни улуғдир,
Шу улуғлик ичра меҳр уруғдир.
Меҳр сочсанг, қалб қуёшин очар эл,
Эл билан бўл, ризқ-насибанг тўлуғдир.

Сен миллатнинг бахти бўлгин, Адолат,
Меҳр тожли тахти бўлгин, Адолат!

Адлия — бу халқ тилида одиллик,
Кимки одил, эл олдида қадди тик.
Элга энгаш, елка тутгин, эй, Инсон,
Элдан айро бўлганларнинг қадрни йўқ!


Сен миллатнинг бахти бўлгин, Адолат,
Қадр отли тахти бўлгин, Адолат!

Қонун, қарор, неки муҳим ҳужжатлар,
Халқни излаб, халққа қилса хизматлар.
Биз таъзимда! Ватан рози, халқ рози,
Қутлуғ бўлсин шундай ҳурмат-иззатлар.

Адлиянинг қарори бўл, Адолат,
Ёруғ йўлда борари бўл, Адолат!

Одилликда қанча файзу ҳикмат бор,
Шу ҳикматда Ватан деган қисмат бор.
Халқнинг рози бўлса қилар ишиндан
Бундан буюк, айтгин, қандай нисбат бор?!

Адлиянинг кўзи бўлгин, Адолат,
Мудом ёруғ юзи бўлгин, Адолат!



Маруса ҲОСИЛОВА

Адолатнинг юрагида жасорат бор!

Адолатнинг қадамлари жуда оғир,
Бу буюк сўз азизлардан мерос қолган.
Адолатсиз кўнгилларда гумон яшар —
Соҳибқирон ўғитидан узоқлашсанг...
Адлиянинг изларида ҳақиқат бор!

Адолатнинг чинорлари бунча баланд,
Унга фақат ета олур иймон, виждон.
Адолатсиз қонунлар ҳам эмас қонун,
Адолатсиз ҳаёт эса... гўё зиндон!
Адлиянинг йўлларида ёруғ виждон!

Инсон қадрни шу адолат ичиндадур,
Оналар ҳам алласига қўшиб айтсин!
Адолатсиз қадам босманг, бу бир ранждур,
Адолатнинг пойдевори бузилмасин.
Шу улуг сўз юракларда мангу қолсин!

Адолатда меҳр, қадр, фахр бордур,
Адлиядир одил ҳакам, дўст, нажоткор.
Адолатдан тикланади буюк қоя,
Адлия шу қояларга яловбардор!
Адлиянинг қўлларида АДОЛАТ бор!
Адолатнинг юрагида ЖАСОРАТ бор!



Яҳёхон ФАЁЗ

Адолат

Адлия вазирлигининг 30 йиллигига


Дунёда бир сўз бор ҳақнинг қарори,
Ва анга тобедир жамики миллат.
Ҳақиқат жамоли, ҳурлик шарори,
Адолат, адолат, яна адолат!

Не-не синови бор кўҳна дунёнинг,
Кимлардир оҳ чекди, ким қилди тоқат.
Энг олий ҳаками дегум виждоннинг,
Адолат, адолат, яна адолат!

Куюқ туман тушса кетар тарқалиб,
Эзгулик ин курса абад фароғат.
Шу сўз-ла тургуси кенг жаҳон қалқиб,
Адолат, адолат, яна адолат!

Мудом кўнгилларни забт этмоқ керак,
На-да гиёҳ керак, на-да табобат.
Битта тиргак керак, ҳақиқий тиргак,
Адолат, адолат, яна адолат!

Сўзларим рўёмас, эмасдир ҳавас,
Ва яна ўйламанг бировга оқ хат.
Элнинг мардлари бор тоабат ўлмас,
Адолат, адолат, яна адолат!



Шерзод ЙИГИТАЛИЕВ

Бугун байрам

Янги Ўзбекистон яқдил қалқони,
Адолат элчиси, қонун посбони,
Шарафли, фидокор, софдил иймони,
Бугун байрам, унинг тузилган куни,
Шонли Адлиянинг туғилган куни!

Ҳамиша ҳуқуқни қилган ҳимоя,
Хар дам қонунларга этган риоя,
Ўз касбига содиқ, доим фидойи,
Бугун байрам, унинг тузилган куни,
Шонли Адлиянинг туғилган куни!

Доим адолатни мезон қилганлар,
Умрини шу ишга қурбон қилганлар,
Қонунни ҳар ишда қалқон қилганлар,
Бугун байрам, унинг тузилган куни,
Шонли Адлиянинг туғилган куни!

Демократик давлат бунёдкорлари,
Одил жамиятнинг тарафдорлари,
Қомуслар уларнинг номус-орлари,
Бугун байрам, унинг тузилган куни,
Шонли Адлиянинг туғилган куни!

Ҳуқуқ, эркинликлар кафолати у,
Одил бошқарувнинг далолати у,
Қонуний бошқариш адолати у,
Бугун байрам, унинг тузилган куни,
Шонли Адлиянинг туғилган куни!

Самарали меҳнат меваси мана,
Бугун қонун доим қилар тантана,
Қонунни устувор қилган бу сана,
Бугун байрам, унинг тузилган куни,
Шонли Адлиянинг туғилган куни!

Қонун бор давлатда салоҳият бор,
Бизда ўттиз йиллик амалиёт бор,
Биз тўғри йўлдамиз, тараққиёт бор,
Бугун байрам, унинг тузилган куни,
Шонли Адлиянинг туғилган куни!

Сизлар бор, биз бормиз, фидокорларим,
Қонунни тузатган шифокорларим,
Халқ учун хизматда зиёкорларим,
Бугун байрам, унинг тузилган куни,
Шонли Адлиянинг туғилган куни!

Сизга қўшилмоқчи оддий номзодман,
Сиз бор, ташвишлардан буткул озодман.
Сизни табриклаган шоир Шерзодман,
Бугун байрам, узоқ қутилган кун бу,
Шонли Адлиямиз туғилган кун бу!

